Адл ила олам юзин обод қил!

Куч – адолатда

2026 йил
1 октябр,
пайшанба
№ 39
(1125)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.kuch-adolatda.sud.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

УСТОЗНИ ЭЪЗОЗЛАШ – БИР КАСБ ЭГАСИНИ ЭМАС, БУТУН БИР МИЛЛАТ КЕЛАЖАГИНИ ЭЪЗОЗЛАШДИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 30 сентябрь куни “Янги Ўзбекистон” университетига ташриф буюриб, Ўқитувчи ва мураббийлар куни арафасида таълим тизимидаги ютуқлар кўргазмаси билан танишди ҳамда ўқитувчи ва мураббийлар билан учрашув ўтказди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб юртимизда таълимнинг узвийлигини таъминлаш борасидаги ишлар, эришилган натижалар ва келгуси режалар тақдимотини кўздан кечирди. “Мактабгача таълим”, “Мактаб таълими”, “Иқтидорли мактаб ўқувчилари”, “Профессионал таълим” ва “Олий таълим” павильонларида боланинг илк ёшидан касб эгаллашига қадар бўлган таълим босқичларидаги ислоҳотлар намойиш этилган.

Мамлакатимиз етакчи университетнинг ўқув ва илмий инфратузилмаси билан танишди. “Келажак муҳандислари” майдони, Bloomberg лабораторияси, физика ўқув лабораторияси, муҳандислик фанлари ўқув зали ва Apple Training Center ўқув марказида талабалар учун яратилган имкониятлар ҳақида ахборот берилди.

Шунингдек, Idrock сунъий интеллект кластери, биотехнология ва биоинформатика лабораторияси, материалшунослик, лазер ва нанотехнологиялар ҳамда ADM машинасозлик лабораторияларининг фаолияти намойиш этилди. Бу майдонлар талабаларнинг назарий билимини амалий машғулотлар, тадқиқот ва лойиҳалар билан боғлашга хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбари университетнинг профессор-ўқитувчилари ва талабалари, халқаро таълим дастурларини жорий этиш бўйича хорижлик ҳамкорлари билан суҳбатлашди.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев бир гуруҳ педагоглар билан учрашди.

Давлатимиз раҳбари барча устоз ва мураббийларни касб байрами билан табриклаб, уларнинг ёш авлод тарбиясидаги ўрни ҳақида сўз юритди.

— Ўқитувчи – меҳр дарёси, ўқитувчи – эзгулик булоғи, ўқитувчи – маърифат қуёши, – деди Президентимиз.

Бугун сунъий интеллект билим олиш ва меҳнат қилиш усулларини ўзгартирмоқда. Бироқ ҳеч бир технология боланинг қалбига устоз каби йўл топиб, унга Ватанга муҳаббат ва масъулият туйғусини сингдира олмайди. Шу маънода, давлатимиз раҳбари умрини ёшлар камолотига бағишлаган педагогларга миннатдорлик билдирди.

Учрашувда таълим ва илм-фан фидойиларининг бир гуруҳига давлат мукофотлари топширилди. Мукофотланганлар орасида устозлар билан бирга таълим ривожига ҳисса қўшаётган тадбиркорлар ва хорижий ҳамкорлар ҳам бор. Шунингдек, таълимнинг барча бўғинларидаги илғор педагоглар учун Абдулла Авлоний номидаги алоҳида давлат мукофотини таъсис этиш, унинг илк соҳибларини келаси йилги байрам арафасида тақдирлаш таклиф қилинди.

Президент таълимни ривожлантириш Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг энг муҳим бўғини эканини таъкидлади. Кейинги ўн йилда 1 миллион 800 минг ўринли боғчалар ва 1,5 миллион ўринли мактаблар барпо этилди, 10 мингдан зиёд таълим муассасаси замонавий кўринишга келтирилди. Айни пайтда таълимда бинолардан ҳам муҳимроқ масала – ўқитиш мазмуни ва сифати экани қайд этилди.

– Биз болаларимизни пахта даласидан – мактаб партасига, ўқитувчиларни – таълим жараёнига қайтардик, – деди давлатимиз раҳбари.

Шу мақсадда 2018 йилдан янги авлод дарсликларини яратиш бошланган эди. Хорижий тажриба ўрганилиб, 8-синфгача бўлган дарсликлар янгиланди. Биргина жорий йилда 400 нафардан зиёд мутахассис иштирокида 324 та дарслик қайта ишланди. Улар болаларда миллий қадриятлар, табиатга масъулиятли муносабат, рақамли ва молиявий саводхонлик билан бирга мустақил ҳамда танқидий фикрлаш кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган. 2030 йилга қадар юқори синфлар учун дарсликларни янгилаш ишлари ҳам якунланади.

Ислоҳотлар натижаси ўқувчиларнинг ютуқларида намоён бўлмоқда. PISA рейтингида 15 ёшли ўқувчилар табиий фанлар бўйича 32 поғона юқорилаб, 48-ўринни эгаллади. Шу йилнинг ўзида ёшлар нуфузли олимпиадаларда 228 та медалга сазовор бўлди. Мактаб давридаёқ хорижий тил ва фанлардан сертификат олган ўқувчилар сони 100 минг нафарга етди.

Педагогларни қўллаб-қувватлаш ҳам ўз самарасини бермоқда. Халқаро ва миллий сертификатга эга ўқитувчилар сони беш йилда 29 мингдан 143 мингга ошди, мактабларда ўқитувчи етишмаслиги уч баробар камайди. Бугун 40 минг муаллим 1 минг доллардан, яна 1,5 минг нафари 2 минг доллардан юқори маош олмоқда. «Йил ўқитувчиси» танлови боғча тарбиячилари ва техникум усталарини ҳам қамраб олиши таклиф этилди.

Келгуси вазифаларга тўхталар экан, Президент мактаб битирувчиси катта ҳаётга касб ва хорижий тилни эгаллаб чиқиши зарурлигини таъкидлади. Мактаб директорларига бу борада қўшимча ваколатлар берилади, ҳамкорликка тайёр тадбиркорлар учун шароит яратилади. Ёшларни мактабданоқ касбга тайёрлаш ва таълим босқичлари ўртасидаги узвийликни таъминлаш бўйича комиссия тузилиб, уч ой ичида янги ечимлар эълон қилинади.

Иқтисодиётнинг технологик ривожи учун математика, физика, кимё ва биологияни чуқур ўқитишга алоҳида эътибор қаратилади. Ўқувчилар сони 25 нафардан ошган синфларда ушбу фанлар икки гуруҳга бўлиб ўқитилади. Миллий сертификатга эга ўқитувчиларга 50 фоиз устама тўланади, ҳар йили 208 та туман ва шаҳардаги етакчи муаллимларга мукофот берилади, минг нафар педагог хорижда стажировка ўтайди. Олимпиада ғолибларини тайёрлаган устозлар тўғридан-тўғри олий тоифага эга бўлади.

Бошланғич синфлар учун ҳам фан олимпиадалари йўлга қўйилади. Келаси йилдан 4-синфлар ўртасидаги танлов ғолиблари компьютер, уларнинг устозлари эса босқичига қараб пул мукофотлари билан рағбатлантирилади. Янги ўқув йилидан 100 та мактабда математика, информатика ва табиий фанлар айрим синфларда тўлиқ инглиз тилида ўқитилади. Ушбу лойиҳа ўқитувчилари ва мактабга тайёрлов гуруҳи педагогларига 100 фоиз устама белгиланади.

Мактаблар фаолиятини баҳолаш учун “сифат индекси” жорий этилади. Таълим натижалари ва педагог лар салоҳиятига қараб муассасалар тоифаларга ажратилади. Илғор мактаблар ўз тажрибаси орқали бошқаларнинг ҳам юқори тоифага ўтишига кўмаклашса, уларнинг педагогик жамоаси 30 фоиз устама олади. Ўқитувчилар малакасини оширишда эса мажбурий бир ойлик курслар ўрнига касбий ривожланиш ваучерлари берилади. Педагоглар ўз натижасига қараб 18 соатдан 72 соатгача бўлган ўқувни мустақил танлайди.

Ўқувчи ўринларига талаб ортиб бораётгани муносабати билан хусусий мактабларни қўллаб-қувватлаш чоралари ҳам эълон қилинди. Ўқув юкламаси юқори 52 та туманда уларни ташкил этиш учун имтиёзли кредит ва субсидия ажратилади. Бўш турган давлат бинолари хусусий мактабларга ўн йилга бепул ижарага берилади, халқаро аккредитация харажатининг ярми қопланади. Фарзанди хусусий мактабда ўқийдиган ота-оналар учун солиқ олинмайдиган даромад чегараси икки баробар оширилади.

(Давоми 2-бетда) ▶

Қонунчиликдаги янгиликлар

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида Конституциявий суд ишларини юритишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, якка тартибдаги тадбиркорларнинг лизинг хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш ҳамда вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

Парламент фаолияти



Конституциявий суд ишларини юритишнинг ҳуқуқий асослари такомиллаштирилмоқда

Мажлисда **“Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”**ги конституциявий қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда муҳокама қилинди.

Мазкур қонун лойиҳаси билан фуқаролар ва юридик шахсларнинг шикоят билан мурожаат қилиш ҳуқуқини самарали амалга ошириш учун қўшимча ҳуқуқий кафолатлар яратилмоқда.

(Давоми 2-бетда) ▶

Шарҳ

48 соат: рақам ортида турган инсон тақдири

бу борада Конституциявий суднинг муҳим ҳуқуқий нуқтаи назари



2026 йил 22 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 288-моддаси иккинчи қисмини Конституциямизга мувофиқлигини аниқлаш ҳақида КСҚ–8-сонли қарор қабул қилди.

Мазкур қарор инсоннинг эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи, маъмурий йўл билан ушлаб туришнинг конституциявий чегаралари, суд назоратининг аҳамияти ҳамда Конституциянинг олий юридик кучга эга эканлиги нуқтаи назаридан муҳим ҳуқуқий аҳамиятга эга. Қарорда, хусусан, шахснинг суд қарорисиз 48 соатдан ортиқ ушлаб турилиши мумкин эмаслиги, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда назарда тутилган айрим махсус муддатлар эса, ушбу конституциявий кафолат билан уйғун эмаслиги аниқ ҳуқуқий мезонлар асосида белгилаб берилди.



Фозилжон ОТАХОНОВ,
Конституциявий суд ҳузуридаги Илмий маслаҳат кенгаши раисининг ўринбосари, юридик фанлар доктори, профессор

(Давоми 3-бетда) ▶

Суд ҳокимиятининг мустақиллиги фақат судьянинг процессуал қарор қабул қилишдаги эркинлиги билан белгиланмайди. Суд ўз вазифаларини самарали бажариши учун унинг ташкилий, моддий-техникавий ва молиявий жиҳатдан зарур ресурслар билан таъминланган бўлиши ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Қонун моҳияти

Судларни молиялаштиришнинг янги ҳуқуқий механизмлари



Йигитали ТОШЕВ,
Олий суд ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти директори ўринбосари

Шу нуқтаи назардан, 2026 йил 11 сентябрда қабул қилинган **«Суд ҳокимияти органлари фаолиятини молиялаштириш тўғрисида»**ги қонун суд тизимини молиявий таъминлашнинг ягона ва аниқ ҳуқуқий асосларини белгилаган муҳим ҳужжатлардан биридир. Янги қонуннинг эътиборга молик жиҳати шундаки, унда суд ҳокимияти органлари фаолиятини молиялаштиришнинг асосий принциплари бевосита қонун даражасида белгилаб берилди.

(Давоми 3-бетда) ▶

Тарих тилсимлари



Ўлмас УМАРБЕКОВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

Қизимга мактублар

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

Мустақил ҳаётингнинг бир бўлагини кўриб қолсам, армоним бўлмасди. Барибир Худога шукр қиламан. Шу кунларга етганимдан, шундай юрганимдан мингдан-минг розиман.

Опанг деярли олдимдан кетмайди. У билан ҳеч қандай ташвишим йўқ. Ҳамма нарса бор, на овқатни ўйлайман, на дори-дармони. Опанг ўзи ҳаммасини муҳайё қилиб турибди.

Умуман, мен сенга айтсам, опанг билан топишганимиздан бери, елкамдан турмуш ташвишлари ағдарилди-қўйди. Мен асосан ишимни билдим, ёзув-чизувларимни билдим. Қолган ҳеч нарса билан деярли шуғулланганим йўқ.

(Давоми 4-бетда) ▶

Янгилик

Дастлабки эшитув ИНСТИТУТИ

маъмурий судловда ислоҳот ғоясидан амалдаги процессуал механизмга айланди



Ҳаётда баъзан фуқаронинг қонуний манфаатларига давлат органи томонидан қабул қилинган қарор, мансабдор шахснинг ҳаракати ёки, аксинча, бажарилиши шарт бўлган вазифанинг бажарилмаслиги натижасида зарар етказилиши мумкин.

Масалан, рухсатнома беришнинг рад этилиши, лицензиянинг бекор қилиниши, кадастр, солиқ, қурилиш, ижтимоий таъминот ёки бошқа маъмурий муносабатлар доирасида қабул қилинган қарорлар фуқаро ва тадбиркорнинг ҳуқуқий ҳолатига бевосита таъсир кўрсатиши мумкин.

Бундай вазиятда шахснинг асосий ҳимоя воситаларидан бири — маъмурий судга мурожаат қилиш ҳуқуқи ҳисобланади. Бироқ замонавий одил судловни фақат суд эшигининг очиқлиги билан баҳолаб бўлмайди. Мурожаат қабул қилингач, низонинг қанчалик тез, холис ва пухта кўриб чиқилиши, тарафлар қайси масала юзасидан баҳслашаётгани ўз вақтида аниқланиши, далиллар асосий суд муҳокамасига қадар тартибга солиниши ҳам инсон ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишнинг муҳим шарти ҳисобланади. Шу жиҳатдан, маъмурий судларда дастлабки эшитув институтининг жорий этилгани муҳим ҳуқуқий қадам бўлди.

Маъмурий суд ишларини юритишга дастлабки эшитув институтини киритиш масаласи дастлаб давлатимиз раҳбарининг 2025 йил 30 январдаги 33-сонли қарорида белгиланган эди. Мазкур ҳужжатда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилишнинг замонавий механизмларини жорий этиш назарда тутилган.

(Давоми 2-бетда) ▶

Парламент фаолияти

Қонунчиликдаги янгиликлар

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Хусусан, суд орқали ҳимоя қилишнинг бошқа барча воситаларидан фойдаланиб бўлинган ва судда кўриб чиқилиши тугалланган муайян ишда қўлланилган қонуннинг Конституцияга мувофиқлиги юзасидан шикоят қилиш механизми аниқлаштирилмоқда.

Депутатлар қайд этганидек, ушбу нормалар конституциявий одил судловга эришиш имкониятларини кенгайтириш, фуқаролар ва юридик шахсларнинг суд ҳимоясига бўлган конституциявий ҳуқуқларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Болаларга нисбатан зўравонлик содир этганлик учун жавобгарлик кескин кучайтирилмоқда

“Адолат” СДП фракцияси ташаббуси асосида киритилган — болаларни зўравонликнинг барча шаклларидан ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда муҳокама қилинди.

Ушбу ҳужжат билан Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ҳамда қатор қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш кўзда тутилган.

Унда болаларга нисбатан содир этиладиган зўравонлик ва жинсий тажовузлар учун жазо чораларини кучайтириш, жабрланган болаларни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш, зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш ҳамда масъул ташкилотлар ва мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини оширишга қаратилган нормалар акс эттирилмоқда.

Энг аввало, болаларга нисбатан содир этилган ўта оғир жинсий жиноятлар учун жазо кескин кучайтирилмоқда. Хусусан, ўн тўрт ёшга тўлмаган шахсга нисбатан номусга тегиш ёки жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабиий усулда қондириш жиноятлари учун узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш кўзда тутилмоқда.

Қонун лойиҳасида боланинг жинсий эркинлигига қарши жиноятларни содир этган шахслар жавобгарликка тортиш муддати ўтганлиги сабабли жавобгарликдан ва жазони ижро этиш муддати ўтганлиги боис жазодан озод қилинмаслиги белгиланмоқда. Бу орқали бола ҳаётига тажовуз қилган оғир қилмишлар учун жазо муқаррарлигини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий кафолатлар кучайтирилади.

Болаларни ҳимоя қилиш фақат жиноят содир этилганидан кейин жазо тайинлаш билан чекланмайди. Зўравонликнинг олдини олиш, жабрланган боланинг ҳуқуқларини таъминлаш ва унинг манфаатларини тергов ҳамда суд жараёнларида ҳимоя қилиш ҳам бирдек муҳимдир.

Шу мақсадда зўравонликдан жабрланган вояга етмаганларни сўроқ қилиш жараёнини видеоёзув орқали қайд этиш, жинсий эркинликка қарши жиноятлар бўйича жабрланган бола билан гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчини юзлаштиришни махсус тартиб асосида ўтказиш таклиф этилмоқда. Болага яқин шахслар томонидан зўравонлик содир этилган ҳолатларда эса, жиноят ишини судга қадар юритиш ва суд муҳокамаси жараёнларида васийлик ва ҳомийлик органи вакилининг иштирокини таъминлаш назарда тутилмоқда.

Бундан ташқари зўравонликдан жабрланган ёки унга гувоҳ бўлган болаларга давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш механизми ҳам жорий этилмоқда. Бу болаларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда уларнинг моддий имкониятларидан қатъи назар, малакали юридик ёрдам олиш имкониятини кенгайтиради.

Қонун лойиҳаси болаларга нисбатан зўравонликнинг олдини олишда масъулиятсизликка ҳам чек қўйишга қаратилган. Жумладан, болага ғамхўрлик кўрсатмаслик, Болалар масалалари бўйича комиссиялар қарорларини ижро этмаганлик ёки уларнинг ижросига тўсқинлик қилганлик учун жавобгарликни белгилаш таклиф этилмоқда.

Вояга етмаган болага нисбатан қасддан баданга оғир ва ўртача оғир шикаст етказиш, бир гуруҳ шахслар томонидан ўн олти ёшга тўлмаган шахсга нисбатан уятсиз-бузуқ ҳаракатлар содир этилишини оғирлаштирувчи ҳолат сифатида баҳолаш, шунингдек, вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилганлик учун жазо чораларини кучайтириш назарда тутилмоқда.

Қонун лойиҳасида болаларнинг хавфсизлиги учун ота-она ва таълим муассасалари ходимларининг масъулияти ҳам алоҳида белгиланмоқда. Болаларни тарбиялаш мажбуриятини бажармаслик, шаҳвоний шилқимлик қилиш ва никоҳ ёши тўғрисидаги қонунчиликни бузиш каби ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жазо чораларини кучайтириш, таълим-тарбия жараёнида педагог томонидан болага нисбатан зўравонлик содир этилган тақдирда, меҳнат шартномасини иш берувчи ташаббусига кўра, бекор қилиш учун ҳуқуқий асос яратиш таклиф этилмоқда.

Шу билан бирга, болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчилик талабларини бузганлик учун ҳам жавобгарлик белгилаш назарда тутилган.

Мажлисда қайд этилганидек, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши болаларнинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш, зўравонликнинг олдини олиш, жабрланган болаларнинг ҳуқуқларини тиклаш ҳамда жамиятда бундай қилмишларга нисбатан муросасиз муносабатни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Муҳокамалардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ МАТБУОТ ХИЗМАТИ

УСТОЗНИ ЭЪЗОЗЛАШ – БИР КАСБ ЭГАСИНИ ЭМАС, БУТУН БИР МИЛЛАТ КЕЛАЖАГИНИ ЭЪЗОЗЛАШДИР

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Алоҳида эҳтиёжга эга болаларнинг тенгдошлари билан бир муҳитда ўқишига ҳам эътибор кучайтирилади. Икки йилда инклюзив шароит яратилган мактаблар сони қарийб беш баробарга ошиб, 3 минг 591 тага етди. Тошкентда иш бошлаган кўп функционал инклюзив ресурс мактаби тажрибаси йил охиригача Хоразм, Жиззах ва Самарқанд вилоятларида, келгуси икки йилда эса барча ҳудудларда жорий этилади.

Мактабгача таълимда боғча боланинг қобилияти кашф этиладиган масканга айланиши зарурлиги таъкидланди. Илғор хорижий тажриба асосида ишлаб чиқилган, ўйин орқали таълим беришга қаратилган дастур бўйича 180 минг тарбиячи ва педагог ўқитилмоқда. Йил якунига қадар дастур 38 мингдан ортиқ боғчанинг барчасига киритилади. Тошкентда ЮНЕСКО шафелигидаги минтақавий марказ ва Италиянинг Режжио Эмилия маркази фаолияти йўлга қўйилди. Давлат боғчаларини замонавий ускуналар билан жиҳозлаш уч йиллик дастур асосида амалга оширилади.

Ишли оналарни қўллаб-қувватлаш учун келаси йил 1 январдан 2-3 ёшли фарзандини оилавий боғчага берган аёлларнинг бадал пули бюджетдан қопланади. Тарбиячиларга ишлаб туриб, олий маълумот олиш имконияти кенгайтирилади. Келаси ўқув йилидан улар учун педагогика олийгоҳларида ўқиш муддати тўрт йилдан уч йилга қисқаради; боғчада камида беш йил ишлаган тарбиячи ёрдамчилари ҳам бундан фойдалана олади.

Касбий таълимда сўнгги икки йилда 104 та техникумга халқаро дастурлар жорий этилди. Техникумларнинг 25 минг корхона билан ҳамкорлиги 100 мингдан зиёд ёшга ўқиш билан бир вақтда даромад топиш имконини берди. Дуал таълимда касб ўрганаётганларга 1 миллион 300 минг сўмгача стипендия тўланмоқда. Келаси йилдан халқаро касб сертификатига эга усталарга 50 фоиз устама берилади, ҳар йили 500 нафар уста хорижда стажировка ўтайди.

Илк бор ўтказилган “Янги Ўзбекистон бунёдкорлари” касб танловида 170 минг ўқувчи иштирок этди. Танлов ҳар йили ўтказилади, энг муносиб иштирокчилар 2028 йилда Токиодаги касблар бўйича жаҳон чемпионатига тайёрланади. Хусусий техникумлар ташкил этиш учун солиқ ва ер бўйича имтиёзлар берилади. Муҳим соҳаларга кадр тайёрлайдиган бундай муассасалар ўқувчиларининг ярми давлат гранти билан қамраб олинади, халқаро дастурларни олиб келиш ва лабораторияларни жиҳозлаш қўллаб-қувватланади.

Олий таълим ҳақида сўз борар экан, мамлакатимизда талабалар сони 1 миллион 600 мингга етгани, ўтита олийгоҳ 17 та фан бўйича халқаро рейтингларга киргани қайд этилди. Шу билан бирга, Президент университетлардаги дарсликлар мазмуни ва мутахассислар тайёрлаш сифати бугунги талабга тўлиқ жавоб бермаётганини танқид қилди. Муҳандислик ва тиббиёт олийгоҳлари замонавий йўналишлар бўйича янги ўқув адабиётларини яратиш, илғор хорижий китобларни таржима ва мослаштириш ишларини кучайтириши зарур.

Ректорларнинг таълим сифати ва натижаси учун масъулияти оширилади. Давлат университетлари кузатув кенгашлари аъзоларининг учдан икки қисми хусусий сектор ва хорижий олийгоҳлар вакилларидан шакллантирилади. Кенгашлар ўқув дастурларини меҳнат бозори талаблари асосида қайта кўриб чиқади, ҳар йили камида 50 та дарслик яратади. Битирув ишлари ва илмий тадқиқотлар иқтисодиёт тармоқларининг амалий масалаларига қаратилади.

Олийгоҳларда халқаро стандартларга асосланган, дунёда тан олинадиган миллий дастурларни кенгайтириш вазифаси қўйилди. Инха ва Архитектура университетлари тажрибаси келаси йилдан яна 20 та олийгоҳда жорий этилади. Бунинг учун уларнинг бошқарув тизими мослаштирилиб, халқаро дастурлар билан ишлайдиган алоҳида тузилмалар ташкил этилади.

Учрашувда олий таълимда «корхона – олийгоҳ – мақсадли кадр» тамойили асосида дуал таълимни ривожлантириш бўйича имзоланган қарор ҳам муҳокама қилинди. Тизим келаси йилдан 75 та, 2028 йилдан барча олийгоҳларда йўлга қўйилади. Корхоналар ўз эҳтиёжига мос номзодларни ўқитиш учун буюртма беради, улар суҳбат асосида қабул қилинади. Ишга олинган талабага тўланган маошнинг ярмини давлат қоплайди; иш ва ўқишда яхши натижа кўрсатган ёшлар иккинчи курсдан давлат гранти асосида ўқийди.

Шунингдек, корхонадан талабага бириктирилган устозлар рағбатлантирилади, зарур ҳолларда талабанинг ижара харажати қопланади. Дуал таълимни намунали ташкил этган олийгоҳлар ва ҳамкор корхоналарга мукофот берилади. Олийгоҳ олган мукофотнинг ярми бу ишга ҳисса қўшган педагоглар жамоасига йўналтирилади.

Давлатимиз раҳбари дунёнинг энг кучли 300 университети филиалларини мамлакатимизга жалб этиш вазифасини ҳам белгилади. Нуфузли университетлар франшизасини олиб келган хусусий олийгоҳларнинг лаборатория, жиҳоз, бренд ва кампус билан боғлиқ харажатларининг бир қисми қопланади. Муҳандислик, қишлоқ ва сув хўжалиги, энергетика, сунъий интеллект ҳамда тиббиёт йўналишларига устуворлик берилади.

Учрашув давомида педагогларнинг таклиф ва ташаббуслари тингланди. Якунда Президент устозларни яна бир бор касб байрами билан табриклаб, уларга шогирдлари ютуғи, ота-оналар дуоси ва эл-юрт ҳурмати ҳамиша ҳамроҳ бўлишини тилади.

– Устозни эъзозлаш – бир касб эгасини эмас, бутун бир миллат келажагини эъзозлаш деганидир, – деди давлатимиз раҳбари.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Икром АВВАЛБОЕВ,
ЎзА махсус мухбирлари

Янгилик

Дастлабки эшитув институти

маъмурий судловда ислоҳот ғоясидан амалдаги процессуал механизмга айланди

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Мазкур қарорда белгиланган вазифалар ижроси доирасида 2026 йил 14 августда қабул қилинган қонун билан Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 17-боби **“Ишни суд муҳокамасига тайёрлаш ва дастлабки эшитув”** деб қайта номланди ҳамда кодекс 140¹-модда — **“Дастлабки эшитув”** билан тўлдирилди.

Қонунга кўра, маъмурий органлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва улар мансабдор шахсларининг фуқаролар ёки юридик шахслар ҳуқуқларига дахл қилувчи қарорлари, ҳаракатлари ёхуд ҳаракатсизлиги юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишларни суд муҳокамасига тайёрлаш жараёнида дастлабки эшитув ўтказилади. Судья дастлабки эшитувни ариза келиб тушган кундан эътиборан йигирма кундан кечиктирмай ўтказиши лозим.

Ушбу институтнинг аҳамияти, аввало, асосий суд муҳокамасигача ишнинг процессуал ва ҳуқуқий чегараларини аниқлаб олиш имкони билан белгиланади. Аниқроқ айтганда, судья аризачининг талаби нимадан иборат эканлигини, жавобгар қайси важларга эътироз билдиришини аниқлаштиради, аризадаги камчиликларни бартараф этиш чораларини кўради, тарафларга муайян ҳолатларни тасдиқлаш учун қандай далиллар зарурлигини тушунтиради. Зарурат бўлганда, процесс иштирокчилари таркибига оид масалалар ҳам шу босқичда муҳокама қилинади.

Бироқ судьянинг бундай фаоллиги иш тақдирини олдиндан белгилаш ҳуқуқини бермайди. Қонун дастлабки эшитувда ишни мазмунан ҳал этиш юзасидан якуний фикр билдирилишига йўл қўймайди. Бу чегара принципиал аҳамиятга эга. Чунки маъмурий судловда судья бир вақтнинг ўзида ҳам процессни самарали ташкил этиши, ҳам тарафларга нисбатан холисликни сақлаши лозим.

Маъмурий суд ишларининг ўзига хослиги шундаки, низонинг бир томонида, одатда, давлат органи ёки мансабдор шахс туради. Унинг ихтиёрида маъмурий иш ҳужжатлари, хизмат маълумотлари, қарорни қабул қилишга асос бўлган материаллар ва муайян ташкилий ресурслар мавжуд бўлади. Иккинчи томонда эса, ўзининг бузилган ҳуқуқини ҳимоя қилиш мақсадида судга келган фуқаро ёки тадбиркор туради.

Ўз навбатида, бу ҳолат судьядан пассив кузатувчи бўлиб қолмасликни талаб этади. Низонинг ҳақиқий ҳолатини аниқлаш, тарафларнинг талаб ва эътирозларини аниқлаштириш ҳамда иш учун зарур материаллар доирасини белгилашда суднинг фаол процессуал роли маъмурий судловнинг мазмунидан келиб чиқади.

Бундай фаоллик қайсидир тарафга ён босишни англатмайди. Судья аризачи ўрнига унинг даъвосини тузиб бермайди ёки давлат органи



аксинча, асоссиз кечикишларни камайтиришга қаратилган.

Пухта тайёрланмаган иш бўйича асосий суд муҳокамасининг бир неча марта қолдириш эҳтимоли юқори бўлади. Натижада суд ҳам, тарафлар ҳам қимматли вақтини йўқотади.

Тадбиркорлик низосида эса, бундай кечикиш янада кўпроқ зарар келтириши мумкин. Лицензия, рухсатнома, ер ажратиш, солиқ мажбурияти ёки қурилиш билан боғлиқ

> **Қонунга кўра, маъмурий органлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва улар мансабдор шахсларининг фуқаролар ёки юридик шахслар ҳуқуқларига дахл қилувчи қарорлари, ҳаракатлари ёхуд ҳаракатсизлиги юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишларни суд муҳокамасига тайёрлаш жараёнида дастлабки эшитув ўтказилади. Судья дастлабки эшитувни ариза келиб тушган кундан эътиборан йигирма кундан кечиктирмай ўтказиши лозим.**

ўрнига қарорнинг қонунийлигини асосламайди. Унинг вазифаси процессни шундай ташкил этишдан иборатки, якуний қарор тахминга эмас, балки аниқланган ҳолатлар ва текширилган далилларга таяниши зарур. Чунки суднинг фаол позицияси бир тарафни ҳимоя қилиш эмас, балки қонунийлик, холислик ва адолатни таъминлаш воситасидир. Дастлабки эшитув ана шу фаолликни асосий суд муҳокамасидан олдин тартибга солиш имконини беради.

Ташқи томондан қаралса, дастлабки эшитув суд жараёнига яна бир мажлис қўшилгандек таассурот уйғотиши мумкин. Аммо унинг моҳияти, низонинг бир неча ойга чўзилиши хўжалик фаолиятига реал иқтисодий таъсир кўрсатади. Фуқаро учун ҳам бузилган ҳуқуқнинг кеч тикланиши баъзан ҳуқуқнинг ўзига етказилган зарарни янада чуқурлаштиради.

Шу ўринда хорижий давлатлар тажрибасига назар ташласак, Германия Маъмурий суд ишлари тўғрисидаги қонунининг 86-параграфида суднинг иш ҳолатларини хизмат вазифаси бўйича ўрганиш ваколати белгиланган. Яъни раислик қилувчи судья формал камчиликларни бартараф этиш, ноаниқ талабларни тушунтириш ва етишмаётган фактик маълумотларни тўлдиришга кўмаклашиши лозим. Қонуннинг 87-параграфида эса, асосий оғзаки муҳокамадан олдин ишни имкон қадар битта мазмунли мажлисда ҳал қилишга тайёрлаш учун зарур чораларни кўриш назарда тутилган. Судья тарафлардан қўшимча ҳужжат ва тушунтиришлар талаб қилиши, муайян масалалар юзасидан муддат белгилаши, тарафларни низонинг фактик ва ҳуқуқий ҳолатини муҳокама қилиш мақсадида суд биносига таклиф қилиши мумкин.

Бунда асосий ёндашув эътиборга молик: ишни муҳокамага тайёрлаш судьянинг техник ёрдамчи вазифаси эмас, балки одил судлов самарадорлигини таъминлашнинг муҳим қисми сифатида қаралади.

Юқорида баён этилганлардан кўринадики, дастлабки эшитув институтининг вазифаси ишни ҳал қилиш эмас, балки уни ҳал қилиш учун зарур процессуал шароит яратишдир. Судья қайси ҳолатлар баҳсли экани, қайси далиллар тақдим этилиши лозимлиги ва тарафларнинг ҳақиқий ҳуқуқий позицияси нимадан иборатлигини аниқлайди. Аммо қайси тараф ҳақ экани ҳақидаги якуний хулоса асосий суд муҳокамасида, далиллар тўлиқ текширилганидан сўнг шаклланиши шарт.

Дастлабки эшитувнинг аҳамиятини фақат суднинг ички ишини ташкил этиш билан чеклаш тўғри эмас. У маъмурий органлар фаолиятига ҳам билвосита таъсир кўрсатади.Давлат органи қабул қилган қарор судда текширилиши мумкин экан, қарорнинг ўзи аниқ ҳуқуқий асосга ва ишончли фактик материалларга таяниши талаб этилади. Ваколатнинг мавжудлиги уни исталган тарзда амалга ошириш мумкинлигини англатмайди. Ваколат ҳам қонун белгилаган мақсад, тартиб ва чегаралар доирасида қўлланилиши шарт.

Шу боис судда маъмурий қарорга баҳо беришда фақат “Орган бундай қарор чиқаришга ҳақлими?” деган саволнинг ўзи етарли эмас. Қарор қабул қилишда белгиланган тартибга риоя қилинганми, манфаатдор шахснинг фикри эшитилганми, иш учун зарур ҳолатлар тўлиқ ўрганилганми, қарор далиллар билан асосланганми — ана шу баҳсли масалалар ҳам ҳуқуқий баҳолашнинг таркибий қисмига айланади.

Албатта, дастлабки эшитув жараёнида судья ишнинг ҳақиқий мазмунига кириб бориши, тарафлар ўртасидаги баҳс доирасини аниқ белгилаши, асосий муҳокамага тўсқинлик қилиши мумкин бўлган процессуал масалаларни ўз вақтида ҳал этиши керак. Бунда судьядан икки сифат бир вақтда талаб этилади: фаоллик ва холислик. Фаоллик ишни пухта тайёрлаш, холислик эса, тарафларнинг процессуал тенглиги ва адолатли судлов учун зарур.

Бинобарин, мамлакатимиз маъмурий судларида дастлабки эшитув институтининг мазмунини амалиётда тўғри қўллаш ниҳоятда муҳим. Негаки, сифатли суд муҳокамаси судья асосий мажлисни очган лаҳзадан эмас, балки унгача бўлган тайёргарлик қанчалик пухта ташкил этилганидан бошланади. Дастлабки эшитувнинг ҳуқуқий аҳамияти ҳам айнан шунда — у адолатли қарор қабул қилиш учун зарур бўлган процессуал заминни олдиндан яратади.

Давлат БОБОНОРОВ,
Навоий вилояти маъмурий суди судьяси

Шарҳ

48 соат: рақам ортида турган инсон тақдири

Конституциявий суднинг муҳим ҳуқуқий нуқтаи назари бу борада



◀ (Бошланиши 1-бетда)

Янги таҳрирдаги Конституциямизнинг 27-моддаси ҳар кимнинг эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқини кафолатлайди. Унда ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши, ушлаб турилиши, қамоққа олиниши, қамоқда сақланиши ёки унинг озодлиги бошқача тарзда чекланиши мумкин эмаслиги белгиланган. Шу билан бирга, шахс суднинг қарорисиз 48 соатдан ортиқ муддат ушлаб турилиши мумкин эмас. Бу қоидани фақат процессуал муддат сифатида тушуниш камлик қилади.

Аслида, 48 соат давлат органига берилган вақт эмас. У инсон эркинлигини ҳимоя қилувчи конституциявий чегарадир. Бунда давлат органи шахсни зарурат бўлмаган ҳолда 48 соатгача ушлаб туриш ҳуқуқига эга эмас. Агар ушлаб туришга асос бўлган ҳолат бир неча соат ичида бартараф этилса, шахс дарҳол озод қилиниши лозим.

Шу маънода, ҳар қандай ушлаб туриш ҳолатида камида учта саволга жавоб бўлиши керак: биринчидан, ушлаб туришнинг қонуний асоси борми? Иккинчидан, шахсни ушлаб туриш зарурати мавжудми? Учинчидан, қўлланилаётган чора кўзланган мақсадга нисбатан мутаносибми?

МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК СОДИР ЭТГАН ШАХС ҲАМ ЭРКИНЛИККА ЭГА

Шу ўринда қизиқ ва принципиал савол туғилади: Конституциямиздаги 48 соатлик кафолат маъмурий йўл билан ушлаб турилган шахсга ҳам тааллуқлими?

Конституциявий суд қарори ушбу саволга аниқ ҳуқуқий йўналиш беради. Конституция инсоннинг эркинлигини ҳуқуқбузарликнинг жиноий ёки маъмурий турига қараб ажратмайди. Албатта, жиноят процесси ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юритиш ўртасида катта фарқ бор. Маъмурий ушлаб туриш, одатда, шахсни аниқлаш, ҳуқуқбузарлик ҳолатларини ойдинлаштириш ва маъмурий иш юритишни таъминлаш каби процессуал мақсадларга хизмат қилади. Бироқ бир ҳақиқат ўзгармайди, яъни инсон амалда ўз хоҳишига кўра ҳаракатланиш имкониятидан маҳрум этилса, унинг эркинлиги чекланган бўлади. Демак, ҳал қилувчи масала ушлаб туришнинг қайси процессуал институт доирасида амалга оширилаётганида эмас, балки шахснинг амалдаги эркинлиги чекланганлигидадир.

КОНСТИТУЦИЯДАН УСТУН ҚОНУН БЎЛИШИ МУМКИН ЭМАС

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 288-моддаси иккинчи қисмида чегара тартибини ёки Ўзбекистон Республикасининг давлат чегараси орқали ўтиш пунктларидаги тартибни бузган шахслар баённома тузиш учун уч соатгача муддатга ушлаб турилиши мумкинлиги, ҳуқуқбузарнинг шахсини ва ҳуқуқбузарлик ҳолатларини аниқлаш учун зарур бўлган ҳолларда эса – ушлаш пайтидан бошлаб 24 соат ичида прокурорга ёзма тарзда маълум қилиб, уч суткагача ёки ҳуқуқбузарда ўзининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат бўлмаса, прокурорнинг санкцияси билан ўн суткагача муддатга ушлаб турилиши мумкинлиги белгиланган.

Конституциямизнинг 15-моддасига кўра, Конституция мамлакат ҳудудида олий юридик кучга эга ва тўғридан-тўғри амал қилади. Шунинг учун қонун нормаси Конституция талабларига мувофиқ бўлиши керак.

Мазкур ҳолатда Конституциявий суд Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 288-моддаси иккинчи қисмидаги шахсни ушлаш пайтидан бошлаб, 24 соат ичида прокурорга ёзма тарзда маълум қилиб, уч суткагача, ҳуқуқбузарда ўзининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат бўлмаса, прокурорнинг санкцияси билан ўн суткагача муддатга ушлаб туриш имконини берувчи нормани Конституциямизнинг 27-моддаси учинчи қисмига мувофиқ эмас деб топди.

Конституция шахсни суд қарорисиз 48 соатдан ортиқ ушлаб туришни тақиқлар экан, ушбу муддатдан кейин инсон эркинлигини чеклаш масаласи мустақил ва холис суд назоратига ўтиши лозим. Суд бундай ҳолатда фақат ҳужжатларнинг расмий жиҳатларини эмас, балки шахсни ушлаб туришнинг қонуний асослари бор-йўқлигини, ушлаб туриш зарурлигини, инсон эркинлигига камроқ дахл қиладиган бошқа чора мавжуд ёки мавжуд эмаслигини, ушлаб туриш муддатининг мутаносиблигини ҳуқуқий баҳолаши шарт.

48 СОАТ ҚАЙСИ ПАЙТДАН БОШЛАНАДИ?

Инсон эркинлиги билан боғлиқ яна бир муҳим савол бор: 48 соатни қайси пайтдан ҳисоблаш керак: шахс ҳақида баённома тузилган вақтданми ёки у ваколатли орган биносига олиб келинган пайтданми ёхуд у амалда эркин ҳаракатланиш имкониятидан маҳрум этилган вақтданми?

Ҳуқуқий жиҳатдан, энг асосли ёндашув – муддатни шахс амалда ушланган пайтдан ҳисоблашдир. Акс ҳолда, шахсни аввал амалда ушлаб туриб, кейинроқ процессуал ҳужжатларни расмийлаштириш орқали 48 соатлик конституциявий кафолатни четлаб ўтиш хавфи пайдо бўлади.

ШАХСНИ ТАСДИҚЛОВЧИ ҲУЖЖАТНИНГ ЙЎҚЛИГИ ИСТИСНО БЎЛА ОЛМАЙДИ

Айрим ҳолларда шахснинг кимлигини аниқлаш учун қўшимча вақт талаб қилиниши мумкин. Айниқса, давлат чегараси билан боғлиқ муносабатларда бу масала хавфсизлик нуқтаи назаридан муҳим. Бироқ шахснинг ҳужжати йўқлиги 48 соатлик конституциявий кафолатни ўз-ўзидан бекор қилмайди. Давлатнинг шахсни аниқлаш вазифаси бор. Аммо давлат органларининг ташкилий ёки техник қийинчиликлари инсоннинг асосий ҳуқуқини Конституцияда белгиланган чегарадан ташқари муддатга чеклаш учун асос бўлмаслиги керак.

Конституциявий суд қарорида ҳам айнан шу масала ҳуқуқий жиҳатдан ҳал этилди, яъни шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг мавжуд эмаслиги прокурор санкцияси билан ўн суткагача ушлаб туриш учун конституциявий асос бўла олмайди.

Янги таҳрирдаги Конституциямизнинг 27-моддаси ҳар кимнинг эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқини кафолатлайди. Унда ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши, ушлаб турилиши, қамоққа олиниши, қамоқда сақланиши ёки унинг озодлиги бошқача тарзда чекланиши мумкин эмаслиги белгиланган. Шу билан бирга, шахс суднинг қарорисиз 48 соатдан ортиқ муддат ушлаб турилиши мумкин эмас. Бу қоидани фақат процессуал муддат сифатида тушуниш камлик қилади.

“HABEAS CORPUS”: ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР ВА ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИДА ИНСОН ЭРКИНЛИГИ КАФОЛАТЛАРИ

Конституциявий суд қарорининг яна бир муҳим жиҳати – “Habeas corpus” принципининг мазмунига алоҳида эътибор қаратилганидир. “Habeas corpus”нинг моҳияти шундаки, инсон эркинлигини чеклаш устидан мустақил ва холис суд назорати таъминланиши керак. Инсон ушланганида давлат органи ўз ҳаракатининг қонунийлигини асослаши, шахс эса, унинг эркинлиги чекланиши устидан самарали суд назоратидан фойдаланиш имкониятига эга бўлиши лозим.

Бундай ёндашув халқаро ҳуқуқий стандартларга ҳам мос келади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг иштирокчиси сифатида унинг 9-моддасида белгиланган шахснинг эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш, ўзбошимчалик билан ҳибсга олиш ва ушлаб туришга йўл қўймаслик ҳамда эркинликдан маҳрум қилиш ҳолатларида самарали суд назоратини таъминлаш мажбуриятини олган. БМТ Инсон ҳуқуқлари қўмитасининг 35-сонли Умумий шарҳида ҳам эркинликдан маҳрум қилишга оид умумий кафолатлар маъмурий ушлаб туриш ҳолатларига татбиқ этилиши, бундай ушлаб туриш қонуний, зарур ва мутаносиб бўлиши, шунингдек, мустақил ва холис суд томонидан қайта кўриб чиқилиши лозимлиги таъкидланган.

Хорижий давлатлар тажрибаси ҳам ушбу ёндашувни муайян даражада тасдиқлайди. Хусусан, Россия, Беларусь, Қозоғистон ва Қирғизистонда маъмурий ушлаб туришнинг умумий муддати 3 соатгача, Тожикистонда эса, айрим ҳолларда уни 10 суткагача узайтириш фақат суд қарори асосида амалга оширилади. Францияда 4 соатлик муддат белгиланган бўлса, Германияда шахсни кечиктирмасдан, қоида тариқасида ушланган куннинг эртасига қадар судга етказиш талаби қўлланилади.

АЙНИ ПАЙТДА ҚОНУНЧИЛИК ВА ҲУҚУҚНИ ҚЎЛЛАШ АМАЛИЁТИ ОЛДИДА ҚАНДАЙ ВАЗИФАЛАР ТУРИБДИ?

Конституциявий суднинг мазкур қароридан келиб чиқадиган энг муҳим вазифалардан бири – маъмурий ушлаб туриш билан боғлиқ нормаларни Конституция талабларига мувофиқлаштиришдир.

Бунда, энг аввало, маъмурий йўл билан ушлаб туриш фақат қонунда белгиланган асослар мавжуд бўлган ҳолда қўлланилиши, ушлаб туриш муддати шахс амалда эркинлигидан маҳрум этилган пайтдан ҳисобланиши, суд қарорисиз шахс 48 соатдан ортиқ ушлаб турилмаслиги, шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг мавжуд эмаслиги 48 соатлик конституциявий чегарани узайтириш учун асос бўлмаслиги, 48 соатдан кейин шахсни ушлаб туришни давом эттириш масаласи эса, суд назорати асосида ҳал этилиши каби қоидаларнинг аниқ ва бир хил қўлланилиши муҳим.

Шу муносабат билан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 288-моддаси иккинчи қисмини Конституциявий суднинг КСҚ–8-сон қарорида белгиланган талабларга мувофиқлаштириш мақсадида уни қуйидаги таҳрирда баён этиш таклиф этилади:

«Чегара тартибини ёки Ўзбекистон Республикаси давлат чегараси орқали ўтиш пунктларидаги тартибни бузган шахслар баённома тузиш учун уч соатгача муддатга ушлаб турилиши мумкин. Ҳуқуқбузарнинг шахсини ва ҳуқуқбузарлик ҳолатларини аниқлаш учун зарур бўлган ҳолларда, шахс амалда ушланган пайтдан бошлаб ҳисобланадиган муддатда, суд қарорисиз қирқ саккиз соатдан ортиқ бўлмаган вақтга маъмурий йўл билан ушлаб турилиши мумкин. Қирқ саккиз соатдан кейин шахсни ушлаб туришни давом эттириш зарурати мавжуд бўлса, бу масала қонунчиликда белгиланган тартибда фақат суднинг қарори асосида ҳал этилади».

Таклиф этилаётган ушбу таҳририда маъмурий ушлаб туришнинг уч соатгача бўлган муддати, зарур ҳолларда шахсни аниқлаш ва ҳуқуқбузарлик ҳолатларини белгилаш билан боғлиқ ушлаб туришнинг 48 соатлик энг юқори конституциявий чегараси ҳамда ушбу муддатдан кейин шахсни ушлаб туришни давом эттириш фақат суд қарори асосида амалга оширилиши аниқ белгиланади.

Бунда шахсини тасдиқловчи ҳужжатларнинг мавжуд эмаслиги 48 соатлик конституциявий чегарани узайтириш учун мустақил асос бўла олмайди. Ушбу қоиданинг мазмуни қонунчиликни Конституция талабларига мувофиқлаштиришда ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётида ушлаб туриш муддатларини турлича талқин қилишнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга.

Таклиф этилаётган таҳрирнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, унда шахс амалда ушланган пайт ушлаб туриш муддатини ҳисоблашнинг бошланғич нуқтаси сифатида аниқ белгиланмоқда. Бу эса, шахснинг амалдаги эркинлигини чеклаш билан унинг ҳуқуқий расмийлаштирилиши ўртасида сунъий вақт тафовути юзага келишининг олдини олишга хизмат қилади.

КОНСТИТУЦИЯ УСТУНЛИГИ, ИНСОН ҚАДРИ ВА ДАВЛАТГА ИШОНЧ

Конституциянинг устунлиги фақат унинг олий юридик кучга эга эканини эътироф этиш билан таъминланмайди. Энг аввало, унинг нормалари ҳар бир давлат органи, ҳар бир мансабдор шахс ва ҳар бир ҳуқуқни қўлловчи учун реал мезонга айланганида намоён бўлади.

Айниқса, инсон эркинлиги масаласида бу принцип жуда, муҳим аҳамият касб этади. Чунки бир инсоннинг бир неча соатлик эркинлиги ҳам унинг ҳаёти, оиласи, иши ва обрўси учун катта аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Шунинг учун «48 соат» деган рақам ортида оддий процессуал ҳисоб эмас, балки муайян инсоннинг тақдири турганини доимо ёдда тутиш керак.

Бугун Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий мақсади — инсон ҳуқуқ ва эркинликларини амалда таъминлайдиган ҳуқуқий давлатни барпо этишдир. Бу ғоя суд-ҳуқуқ тизимига ҳам бевосита дахлдор. Суд мустақиллиги, одил судлов, прокурор назорати, адвокатура, маъмурий судлов, тергов судьяси, судга мурожаат қилиш ҳуқуқи каби институтларни бирлаштириб турган ягона мезон бор. У ҳам бўлса – инсон ҳуқуқларининг устуворлиги.

Шу маънода, маъмурий ушлаб туриш муддатларини Конституциямизнинг 27-моддасига мувофиқлаштиришга ҳам суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг узвий қисми сифатида қаралиши лозим. Шу боис Конституциявий суд қарори ана шу жараёнда муҳим ҳуқуқий мезонни белгилади, яъни инсон эркинлигига дахл қиладиган ҳар қандай чора Конституция билан белгиланган чегарада қонуний, зарур ва мутаносиб бўлиши керак.

Ушбу чегаранинг дахлсизлигини таъминлаш эса, ҳуқуқий давлат ва инсон қадрини улуғлашнинг муҳим кафолатларидан биридир.

Қонун моҳияти

Судларни молиялаштиришнинг янги ҳуқуқий механизмлари



◀ (Бошланиши 1-бетда)

Бунда, хусусан, қонунийлик, очиқлик ва шаффофлик билан бир қаторда одил судловни таъминлаш учун молиявий ресурсларнинг етарлилиги ҳамда судлар фаолиятининг молиявий мустақиллиги асосий принциплар сифатида белгиланди.

Молиявий таъминланганлик – оддий хўжалик масаласи эмас. У одил судловни амалга ошириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш билан бевосита боғлиқ. Қонунга кўра, судлар фаолияти фақат Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирилади.

Конституциявий суд, Олий суд ва Судьялар олий кенгашининг фаолиятини молиялаштириш учун маблағлар ҳар йилги Давлат бюджети тўғрисидаги қонунда алоҳида назарда тутилади. Қонун судларни молиялаштириш одил судловни тўлиқ ва мустақил амалга ошириш имкониятини таъминлаши кераклигини ҳам белгилайди.

Бу билан суд ҳокимияти органларини молиялаштириш манбаси ва асослари аниқ ҳуқуқий чегараларга эга бўлмоқда. Айни пайтда қонунда маблағларни тақсимлашнинг ҳам аниқ механизмлари белгиланган.

Яъни Конституциявий суд, Олий суд ва Судьялар олий кенгаши учун ажратилган маблағларни тегишли органларнинг ўзи тақсимлайди. Ҳарбий судлар, Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, шунингдек, туман ва шаҳар даражасидаги судлар учун маблағларни тақсимлаш эса, Олий суд ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти томонидан амалга оширилади.

Қонуннинг яна бир муҳим жиҳати — судлар фаолиятини молиялаштириш харажатларини асоссиз қисқартиришга йўл қўймасликка қаратилган кафолатлардир. Жумладан, судлар фаолиятини таъминлаш учун навбатдаги молия йилида ажратиладиган маблағлар, қоида тариқасида, ўтган молия йилида ажратилган маблағлардан кам бўлмаслиги керак.

Бундан ташқари давлат бюджети даромадлари прогнозининг ижросидан келиб чиқиб, судлар фаолиятини молиялаштириш харажатларини камайтириш мумкин эмас. Бюджет кодексига киритилган ўзгартишларда эса, давлат бюджети тақчиллигининг тасдиқланган чекланган миқдори ортиб кетган тақдирда ҳам, судлар фаолиятини молиялаштириш харажатларини қисқартиришга йўл қўйилмаслиги белгиланди.

Мазкур нормаларнинг амалий аҳамияти шундаки, судларнинг узлуксиз фаолияти бюджет жараёнидаги ўзгаришлар туфайли зарур молиявий ресурслардан маҳрум бўлиб қолишининг олдини олишга ҳуқуқий асос яратади.

Янги қонун судларнинг бюджет маблағларини олиш билан чекланиб қолмасдан, уларни шакллантириш жараёнидаги иштирокини ҳам назарда тутади. Навбатдаги йил учун Давлат бюджети лойиҳасининг судлар фаолиятини молиялаштиришга оид қисми бўйича бюджет сўровлари Конституциявий суд, Олий суд, Судьялар олий кенгаши ва Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти томонидан тайёрланади.

Агар бюджет лойиҳасини тайёрлаш жараёнида ўзаро келишмовчиликлар юзага келса, тегишли суд органларининг таклифлари бюджет лойиҳасига илова қилиниши назарда тутилган.

Одил судловнинг сифати, аввало, судья ва суд аппарати ходимларининг профессионал фаолияти билан боғлиқ. Шу сабабли янги қонунда инсон омилига ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Давлат бюджети лойиҳасини ишлаб чиқишда судьялар ва суд аппарати ходимларининг иш ҳақи, меҳнатини рағбатлантирувчи тўловлар, судларнинг моддий-техника ва молиявий таъминоти, шунингдек, судьялар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий таъминлаш билан боғлиқ харажатлар инобатга олиниши белгиланган. Қонунчиликка мувофиқ, судьялар ва суд аппарати ходимларига пул мукофотлари ҳамда бир марталик моддий ёрдам учун маблағлар ҳам ажратилади.

Шу билан бирга, судьялар ва суд аппарати ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш ҳамда уларни моддий рағбатлантириш тартиби Президент томонидан белгиланиши назарда тутилган. Бу ёндашув суд фаолиятини фақат бинолар ва техника билан таъминлаш эмас, балки одил судловни амалга оширадиган кадрларнинг меҳнат шароитларини ҳам тизимли равишда молиялаштиришни назарда тутади.

Ушбу қонуннинг муҳим жиҳатларидан яна бири — ажратилган маблағларни тасарруф этиш масаласида белгиланган мустақиллиқдир. Конституциявий суд, Олий суд ва Судьялар олий кенгаши учун тегишли молия йилига ажратилган маблағлар мазкур органлар томонидан қонунчиликка мувофиқ мустақил равишда тасарруф этилади.

Бу ўринда молиявий мустақиллик ва молиявий интизом бир-бирини тўлдиради. Яъни маблағларни мустақил тасарруф этиш улардан мақсадли, самарали ва қонунчилик талабларига мувофиқ фойдаланиш масъулияти билан уйғун ҳолда амалга оширилади.

Хулоса қилиб айтганда, суд мустақиллиги — ҳуқуқий давлатнинг асосий белгиларидан бири. Бироқ мустақил суд ҳокимиятини фақат қонун билан ваколат бериш орқали шакллантириб бўлмайди. Унинг самарали фаолияти учун барқарор молиявий асос, муносиб меҳнат шароити, замонавий инфратузилма ва зарур ресурслар талаб этилади.

Бинобарин, **«Суд ҳокимияти органлари фаолиятини молиялаштириш тўғрисида»**ги қонун ана шу эҳтиёжларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга қаратилган.

Энг муҳими, қонунда молиялаштириш масаласи суд ҳокимиятининг кундалик хўжалик эҳтиёжи сифатида эмас, балки одил судловни тўлиқ ва мустақил амалга ошириш учун зарур ҳуқуқий шарт-шароит сифатида белгиланмоқда. Буларнинг барчаси, ўз навбатида, суд тизимининг барқарор ишлаши, судларга мурожаат қилган шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилиш учун зарур ташкилий ва молиявий асосларни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Жиноятга жазо муқаррар

ОҚИБАТСИЗЛИК

қонуний жавобгарликка сабаб бўлди

Маълумки, оила — жамиятнинг муқаддас қўрғони. Унда меҳр, масъулият, садоқат ва фарзандлар келажаги учун жавобгарлик мужассам бўлиши керак. Афсуски, ҳаётда ушбу муқаддас гўшага енгил-елпи қарайдиган, айниқса, фарзандлар олдидаги бурчини унутиб қўядиган кимсалар ҳам учраб туради.

(Давоми 4-бетда) ▶

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Бир жойда мен ойимларни кўпинча барди ортилган эшак аравaнинг орқасидан итариб бораётган ҳолда кўраман, деб ёздим. Шундай ташвиш, азоб бизнинг Ўзбекистон аёлларининг пешонасига битилган эканми, дейман. Опанг ҳам кўмир, ўтин, тахта-ёғоч ортилган эшак араваларни итариб, шу ҳозирги уйимизни кўтарган. Иморатнинг лойи опанг терига қорилган, десам хато бўлмайди.

Опанг билан факультет кутубхонасида танишганмиз. Ўшанда мен учинчи курсда эдим. Иккинчи сменада ўқирдик. Лекциялардан сўнг баъзилар факультетда қолишарди. Кутубхонада, бўш аудиторияларда дарс тайёрланарди, ўқишарди. Мен ҳам кечқурун уйга шошилмасдим. Бўш аудиториялардан бирига кириб олиб, ё бўлмаса, кутубхонада ўйлаб юрган очерк, ҳикояларимни ёзишга ҳаракат қилардим. Шундай кунларда беихтиёр кутубхонада кимлар ўтирганига эътибор қиласан, одам. Мен ўшанда кичкина, нимжон, сочини битта қилиб ўриб, орқасига ташлаб олган қизни кўп кўрадиган бўлиб қолдим. Қачон лекциялардан кейин кутубхонага кирмай, унинг тўртта-бешта китобни стол устига ёзиб олиб, дарс тайёрлаб ўтирганини кўраман. Жуда берилиб, жойидан қимирламай, ҳеч қаёққа чиқмай дарс тайёрлайди. Фақат баъзида дафтар-китоблардан бошини кўтариб, уёқ-буёққа қараб қўяди ва таниш қизга кўзи тушса, оҳиста жилмаяди. Ўзимдан-ўзим уни кузатадиган бўлиб қолдим, кутубхонага келмаса, зерикадиган, нимадандир хавотир оладиган бўлиб қолдим. Ленинград кўчасидаги (университетнинг орқасида) ётоқхонада турар экан. Исми Зуҳра экан. Рус филологиясининг биринчи курсига ўқишга кирган экан. Шуларни билиб олиб, уни кутубхонада кутадиган бўлдим. Келса, кўрсам, хурсанд бўламан. Ёзадиган нарсамни ёзаман. Аммо олдига бориб, у билан гаплашгани негадир тортинаман. Қиш кунларининг бирида унинг бешинчи декабрда туғилганини тасодифан эшитиб қолдим. Мен факультет комсомол бюросининг секретарларидан бири эдим. Қандайдир бир ҳужжатда шундай маълумотлар ёзилган эди. Факультетимизда туғилган куни билан студентларни табриклаш одати бор эди.

Бешинчи декабрь куни опангни кутубхона олдида кўриб табрикладим. У жилмайиб, миннатдорчилик билдирди. Шу-шу бир-биримиз билан

Тарих тилсимлари

ҚИЗИМГА мактублар

сўрашадиган, узоқ-узоқ гаплашадиган бўлиб кетдик. Бир кун келиб, опангга, албатта, уйланишим кераклиги, фақат опанг билан турмуш қуришим мумкинлиги жуда равшан бўлиб дилимга тушди. Тўйимиз бир минг тўққиз юз эллик олтинчи йилнинг ўттизинчи сентябрида эски ҳовлимизда бўлди. Мен унда университетни битириб, Ўзбекистон радиоэшиттириш ва телевидение комитетида ишлардим. Ишга ўқишни битирмасдан кирган эдим. Моддий қийинчилик, бунинг устига орзу шуни тақозо қилди. Радиокомитетнинг болалар редакциясида муҳаррирлик қила бошладим. Яхши ҳам ишга кирган эканман, тўйимизга, оз бўлса ҳам, мен ўз ҳиссамни қўшдим. Мана, ўшандан бери опанг билан биргамиз. Вақт тез ўтар экан, одам тез қарир экан. Ким билади, балки бу ҳаётимиз нисбатан яхши бўлганлигидандир? Мен учун, ҳеч шубҳасиз, опанг билан ўтган дамларим ҳаётимнинг энг яхши дамлари. Шодликларга, мазмунга, орзу-умидларга тўла дамлар. Опанг билан топишган пайтларимизда энг ва ўз қўли билан «Ёш чорвадорлар» деб сарлавҳа қўйган эди. Одил ака билан бир курсда ўқиганмиз.

Ёзда катталар, тўғрироғи, ёшлар ҳаётидан битта ҳикоя ёздим. Жуда тез ёздим. Номини ҳам жуда тез топдим. Ўзи келиб қолди. «Хатингни кутаман...» Бу ҳикоя ҳозир ҳам менга ёқади. Жуда самимий, юракдан ёзилган.

Ўшанда таътил кунлари эди. Ҳикояни биронта одамга ўқиб бериш иштиёқи баланд. Нима қилиш керак? Эсимга Нўъмон акам тушдилар. Ғофуржон аканинг катта ўғиллари, яхши биласан. Нега у киши эсимга тушди? Бир йили Нўъмон аканг бизни бир қанча қўшниларимиз билан Тошсовет номидаги (ҳозирги Муқимий номидаги) театрга таклиф қилган эди. Уларнинг курси «Тоҳир ва Зуҳра» музикали драмасини қўйган. Нўъмон акам шу спектаклда Зуҳранинг отаси, шоҳ Бобохонни ўйнаган эди. Хотини Гулчеҳра келинойим эса, Зуҳра ролида чиққан эди ўшанда.

Спектакль бизга ёқди. Нўъмон акани табрикладик. У киши менинг адабиётга қизиқишимни билар, газеталардаги лавҳа, очеркларимни ўқиб юрар эди. Шунинг учун ҳикояни у кишига ўқиб бермоқчи бўлдим. Катта уйга олиб кириб, эшикни маҳкам беркитиб, ўқиб бердим. Ҳикоя у кишига маъқул бўлди. Нўъмон ака анча кўнгли бўш одам, баъзи жойларда, ҳатто кўзларидан ёш ҳам чиқиб кетди.

Куз келди. Ўқишлар бошланди. Бизнинг бўлим «Тошкент ҳақиқати» газетасида бир ойга иш ўрганишга жўнатилди. Мен пропаганда ва агитация бўлимига тушдим. Газетада шоир Назармат, яхши журналист Маҳмуд Яҳёев ишларди. Маҳмуд акалар биздан икки йил олдин, журналистика бўлими очилган йили университетга киришган ва битиришлари билан республика газеталарига ишга жўнатилган эди. Ҳикоямни Маҳмуд акага кўрсатдим. У киши мақтаб, Назармат акага берди. Назармат акага ҳам ҳикоя маъқул бўлди. Газетада чиқарсак бўлади, редактор ҳам кўрсин, деди у киши. Аммо ҳикоя редакторга ёқмади. Хомуш ҳолда бинодан чиқиб кетаётсам, рўпарамдан Расул Раҳмонов пайдо бўлиб қолди.

— Ким хафа қилди? — дабдурустдан сўради у.

Бўлган воқеани айтиб бердим.

— Бу ёққа юринг! — у мени қайтадан бинога олиб кирди.

Иккинчи қаватга кўтарилдик. Расул ака Раҳмонов «Қизил Ўзбекистон» газетасида ишларди. У ҳам Маҳмуд Яҳёев сингари университетни битирган биринчи журналистлардан эди. Бир хонага кириб, дарров қайтиб чиқди-да, ичкарига мени таклиф қилди. Кичкина хонадаги стол орқасида елкадор, думалоқ, қорачадан келган, сочи устарада олдирилган ўрта ёшли бир одам ўтирарди. Стол ёнида эса, ундан ёшроқ, йўл-йўл нимчалик костюм кийган, қалин сочлари чеккаларига осилиб тушган калта дахан иккинчи бир одам бошини кўтармай нимадир ўқирди.

(Давоми келгуси сонда)

Жиноятга жазо муқаррар

◀ (Бошланиши 3-бетда)

Навоий шаҳрида истиқомат қилувчи Алибек Эргашев (исм-шарифлар ўзгартирилди) билан Ю.Файзуллаева 2014 йилда оила қуришган эди. Дастлаб уларнинг турмуши рисоладагидек кечди. Никоҳлари давомида икки ўғил ва бир қиз фарзанд дунёга келди. Табиийки, ҳар бир ота-она учун фарзанд — ҳаёт мазмуни, келажак ишончи ва энг катта масъулиятдир.

Аммо кунлар ўтиши билан оилада ўзаро келишмовчилик кучайиб борди. Бунга, асосан, А.Эргашевнинг спиртли ичимлик ичишга ружу қўйгани, оилани моддий жиҳатдан таъминлашга эътибор бермагани сабаб бўлди. 2022 йил февраль ойида оилавий жанжалдан сўнг А.Эргашев уйдан чиқиб кетади ва сўнг умуман қорасини кўрсатмай қўяди. Уч нафар вояга етмаган фарзанд ёлғиз она қарамоғида қолади.

Аммо Ю.Файзуллаева ёлғиз ўзига фарзандлар таъминоти оғирлик қилгач, қонуний йўл билан алимент ундириш мақсадида судга мурожаат қилади. Фуқаролик ишлари бўйича Кармана туманлараро судининг 2022 йил 12 ноябрдаги суд буйруғига асосан, А.Эргашевдан уч нафар вояга етмаган фарзандининг моддий таъминоти учун ҳар ойлик иш ҳақи ва бошқа даромадларининг иккидан бир қисми миқдорида алимент ундириш белгиланди.

Айтиш керакки, суд буйруғи фарзандлар вояга етгунга қадар ижро этилиши лозим бўлган мажбурий ҳужжат. Зеро, алимент — ота ёки онанинг хоҳишига боғлиқ ёрдам эмас, балки қонун билан белгиланган мажбуриятдир. Ҳеч қачон фарзандлар ота-она ўртасидаги келишмовчиликдан азият чекмаслиги керак.

Шу ўринда воқеа тафсилотига қайтадиган бўлсак, А.Эргашев ўзига нисбатан чиқарилган суд ҳужжати талабларига эътибор бермайди: алимент тўловларини тўламайди, фарзандларини моддий жиҳатдан таъминлаш бўйича оталик бурчини бажаришдан бўйин товлайди.

Тўғри, Мажбурий ижро бюроси Навоий шаҳар бўлими томонидан суд буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида тегишли ҳаракатлар амалга



оширилади. Давлат ижрочилари томонидан А.Эргашев алимент қарздорлигини тўлаш зарурлиги ҳақида бир неча марта огоҳлантирилади. Унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқишни вақтинча чеклаш чораси ҳам қўлланилади.

Аммо бу чоралар А.Эргашевга асло таъсир қилмайди. У алимент пулларини икки ойдан ортиқ муддат мобайнида тўламагани сабабли жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳар судининг 2025 йил 16 июндаги қарори билан унга нисбатан 15 сутка маъмурий қамоқ жазоси тайинланади.

Қонуннинг талаби қатъий: агар шахс вояга етмаган ёки моддий ёрдамга муҳтож фарзандларини таъминлашдан бўйин товласа, аввал маъмурий жавобгарликка тортилади. Агар маъмурий жазо қўлланилганидан сўнг ҳам у тегишли хулоса чиқармаса ва алимент тўлашдан қасддан бўйин товлашда давом этса, унинг ҳаракати жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.

Афсуски, шундай бўлди: А.Эргашевга нисбатан жиноят иши судда муҳокама қилинди. Маълум бўлишича, А.Эргашев 2025 йил 1 июндан 2025 йил 31 октябрга қадар бўлган вақт давомида 15 миллион 769 минг 608 сўм миқдоридаги алимент қарздорлигини тўлашдан қасддан бўйин товлаган. Умумий ҳисобда эса, унинг фарзандлари олдидаги алимент қарздорлиги 72 миллион 736 минг 436 сўмга етган.

Бу ўринда гап фақат рақамлар ҳақида эмас. Ушбу маблағ ортида уч нафар боланинг кундалик эҳтиёжи, кийим-кечаги, озиқ-овқати, ўқув қуроллари, даволаниши ва ҳаёт кечириш ҳуқуқи турибди. Ота томонидан тўланмаган ҳар бир сўм, аслида, фарзанднинг ҳуқуқи бузилганини англатади.

Мажбурий ижро бюроси давлат ижрочиси томонидан А.Эргашевнинг алимент қарздорлигини ундириш мақсадида, унинг мол-мулкларини аниқлаш чоралари кўрилган. Давлат ижрочиси унинг яшаш манзилига борганида, ундирув қаратилиши мумкин бўлган мол-мулк мавжуд эмаслиги аниқланган.

Бундай ҳолатлар амалиётда учраб туради: айрим қарздорлар расмий ишга кирмаслик, мол-мулкни ўз номига расмийлаштирмаслик ёки ишсизликни баҳона қилиш орқали алиментдан қочишга ҳаракат қилади. Бироқ бу ҳолатлар шахсни қонун олдидаги мажбуриятдан озод қилмайди.

Иш ҳужжатларига кўра, А.Эргашевга нисбатан дастлаб муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган. Кейинчалик у тергов ва суддан бўйин товлаб юргани сабабли ушбу эҳтиёт чораси “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чорасига ўзгартирилган, унга нисбатан қидирув эълон қилинган ва у 2026 йил 9 февраль куни ушланган.

Бу ҳолат ҳам суд томонидан унинг шахси ва содир этган қилмишига баҳо беришда эътиборга олинди.

Суд иш бўйича тўпланган далилларни — суд буйруғи, маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қарор, мажбурий ижро бўлими томонидан юборилган огоҳлантириш хатлари, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатмалари, шунингдек, судланувчининг ўз айбига иқрорлигини ўрганиб, А.Эргашевнинг айби тўлиқ исботланган деган хулосага келди.

Дастлабки тергов органи ва суд унинг ҳаракатларини моддий ёрдамга муҳтож бўлган вояга етмаган фарзандларни моддий таъминлашдан бўйин товлаганлик учун жиноий жавобгарликни назарда тутувчи Жиноят кодексининг 122-моддаси 1-қисми билан малакалади. А.Эргашев муқаддам жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳар судининг 2024 йил 10 январдаги ҳукми билан Жиноят кодексининг 276-моддаси 1-қисми бўйича айбдор деб топилиб, иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 йил 9 ой 10 кун муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига ҳукм қилинган. Кейинчалик у ўталмай қолган 1 йил 2 ой 28 кунлик жазодан муддатидан илгари шартли озод қилинган. Аммо шартли озодликдан кейин ҳам у қонунга хилоф ҳаракат содир этган.

Шу сабабли суд уни жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатиш имкони чекланган, деган хулосага келди.

Суд ҳукми билан унга 10 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди. Бундан ташқари Жиноят кодексининг 60 ва 61-моддалари тартибида, аввалги ҳукм бўйича ўталмай қолган ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг бир қисми янги тайинланган жазога қисман қўшилди. Натижада А.Эргашевга узил-кесил 1 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланди. А.Эргашев ҳисобидан жабрланувчи Ю.Файзуллаева фойдасига 72 миллион 736 минг 436 сўм миқдорида моддий зарар, яъни алимент қарздорлиги ундирилиши белгиланди.

Хулоса қилиб айтганда, суд ҳужжати билан белгиланган алимент тўлови — ихтиёрий ёрдам эмас, мажбурий ҳуқуқий бурчдир. Уни бажармаслик фарзандлар ҳуқуқларини бузиш билан баробар. Оқибатсизликнинг аччиқ қисмати эса, эртами-кечми, инсонни қонун ва виждон олдида жавоб беришга мажбур қилади.

Баҳодир АЛИҚУЛОВ,
жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳар суди раиси
Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
“Куч — адолатда” мухбири

Мулоқот

Савол беринг, жавоб берамиз

— Айтинг-чи, даъво аризаси суд томонидан қайтарилса, даъвогар яна қайта судга мурожаат қилиши мумкинми?

А. ҚИЁМОВ,
Зомин тумани

— Ҳа, мумкин. Даъво аризасининг суд томонидан қайтарилиши даъвогарнинг ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга қайта мурожаат қилиш ҳуқуқини бекор қилмайди.

Амалдаги Иқтисодий процессуал кодексининг 155-моддасига кўра, судья даъво аризасини қонунда назарда тутилган айрим ҳолларда қайтаради. Масалан, даъво аризасининг шакли ва мазмунига қўйилган талаблар бажарилмаган, ариза имзоланмаган, иш мазкур суднинг судловига тегишли бўлмаган ёки қонунда назарда тутилган айрим процессуал талаблар бажарилмаган ҳолатларда даъво аризаси қайтарилиши мумкин. Мазкур модданинг якуний қисмида даъво аризасининг қайтарилиши йўл қўйилган камчиликлар бартараф этилганидан кейин даъво аризаси билан судга умумий тартибда такроран мурожаат этишга тўсқинлик қилмаслиги белгиланган.

Масалан, тадбиркор корхонадан 100 миллион сўм қарздорликни ундиришни сўраб, иқтисодий судга даъво аризаси киритди. Бироқ даъво аризасига жавобгарга ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар нусхалари юборилганлигини тасдиқловчи далилларни илова қилмади. Агар суд шу асосда даъво аризасини қайтарса, бу тадбиркор энди мазкур талаб билан судга мурожаат қила олмайди, дегани эмас. У аниқланган камчиликни бартараф этиб, зарур ҳужжатларни илова қилган ҳолда, даъво аризасини такроран судга тақдим этиши мумкин.

Яна бир муҳим жиҳат шундаки, даъво аризасини қайтариш ҳақидаги ажрим устидан ҳам шикоят қилиш мумкин. Агар юқори инстанция суди қайтариш ҳақидаги ажримни бекор қилса, даъво аризаси судга дастлабки мурожаат қилинган кунда берилган ҳисобланади. Бу қоида даъвогарнинг процессуал ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эга.

Шу сабабли даъво аризаси қайтарилган тақдирда, даъвогар аввало, суд ажримида кўрсатилган сабабларни диққат билан ўрганиши, аниқланган камчиликларни бартараф этиши ва шундан сўнг даъво аризасини қайта тақдим этиши лозим.

— Даъво аризаси судга берилгандан сўнг даъвогар даъво баҳосини камайтирса, аввал тўланган давлат божининг ортиқча қисми қайтариладими?

З. БУРҲОНОВ,
Уйчи тумани

— Умумий қоида бўйича, йўқ. Даъво аризаси судга берилганидан сўнг даъвогар ўз талабларини камайтирганининг ўзи илгари тўланган давлат божининг бир қисмини қайтариш учун асос бўлмайди.

Амалдаги Иқтисодий процессуал кодексининг 115-моддасига кўра, давлат божи қонунчиликда белгиланган ҳолларда қайтарилади. Суд ҳужжатида давлат божини тўлиқ ёки қисман қайтариш учун асос бўладиган ҳолатлар кўрсатилади. Шунингдек, давлат божи тўланган, бироқ судга келиб тушмаган ёки суд томонидан қайтарилган даъво аризалари бўйича ҳам қонунда назарда тутилган тартибда давлат божини қайтариш мумкин.

Бу ўринда “даъво баҳосининг камайтирилиши” билан “давлат божининг ортиқча тўланиши”ни бир-биридан фарқлаш керак.

Масалан, корхона судга 500 миллион сўм ундириш ҳақида даъво киритиб, тегишли миқдорда давлат божи тўлади. Кейинчалик даъвогар ўз талабини 300 миллион сўмгача камайтирди. Бундай ҳолатда даъвогар дастлаб 500 миллион сўмлик талабдан келиб чиқиб, тўлаган давлат божининг 200 миллион сўмлик талабга мос келадиган қисмини автоматик равишда қайтариб олиш ҳуқуқига эга бўлмайди. Чунки бож даъво берилган вақтдаги талабдан келиб чиқиб тўланган ва кейинчалик талабнинг камайтирилиши ўз-ўзидан давлат божини қайтаришнинг мустақил асоси ҳисобланмайди.

Масаланинг иккинчи томони ҳам бор; агар шахс қонунчилик бўйича талаб қилинган миқдордан ортиқ давлат божи тўлаган бўлса, бу ҳолат даъво баҳосини кейинчалик камайтиришдан фарқ қилади ва давлат божини қайтариш масаласи қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал қилинади. Яъни судга мурожаат қилиш вақтида бож нотўғри ҳисобланиб, қонунда талаб қилинганидан ортиқча сумма тўланган бўлса, бу ҳолат давлат божини қайтариш учун тегишли ҳуқуқий асос бўлиши мумкин.

Шунинг учун амалиётда қуйидаги икки вазиятни аралаштирмаслик керак:

биринчидан, даъвогар судга мурожаат қилганидан кейин ўз талабини камайтиради. Бунда аввал тўланган давлат божининг бир қисмини қайтариш автоматик тарзда юзага келмайди;

иккинчидан, давлат божи дастлаб қонунчиликда белгиланган миқдордан ортиқча тўланган бўлса, давлат божини қайтариш масаласи алоҳида тартибда кўриб чиқилади.

Демак, даъвогар судга мурожаат қилаётганда даъво баҳосини тўғри аниқлаши ва давлат божини айнан шу баҳодан келиб чиқиб, тўлаши лозим. Чунки кейинчалик даъво талабларини камайтириш давлат божининг тегишли қисмини қайтариш имкониятини автоматик равишда юзага келтирмайди. Давлат божини қайтариш масаласи эса, фақат қонунчиликда назарда тутилган асослар мавжуд бўлгандагина ҳал этилади.

Саволларга Тошкент туманлараро иқтисодий судининг судьяси Фаррух Раҳимов жавоб берди.

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодиқул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Робахон МАХМУДОВА
Алишер УСМАНОВ
Акрам ШУКУРОВ
Шухрат ПОЛВАНОВ
Маликахон ҚАЛАНДАРОВА
Холмўмин ЁДГОРОВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Абдуҳалим ХОЛМАХМАТОВ
Замира ЭСАНОВА
Бобомурод РАЙИМОВ

Саҳифаловчи:
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Манзилимиз: 100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпонота кўчаси, 6-уй, Тел.: 71 273-72-29 E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.
Буюртма: Г-1015 Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ.
Сотувда эркин нархда. Адади: 2875
1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 21^{00}. Топширилди: 22^{10}.